

Ақийда дарслари (17-дарс). Аллоҳнинг исмлари ва сифатлари



14:00 / 21.01.2019 8454

Аллоҳнинг борлигига ишонган одам У Зотни яхши таниши ҳам керак. Ақоид илми истилоҳи билан айтганда, маърифат ҳосил қилиши лозим. Бу маърифат эса Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ва У Зотнинг сифатларини билиш ила ҳосил бўлади.

Аллоҳ таоло:

يَا قَادِرُ الْحُسْنَى الْأَسْمَاءِ وَاللَّهِ

«Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Унга ўша (исмлар) ила дуо қилинг», деган (Аъроф сураси, 180-оят).

Аллоҳнинг барча исмлари гўзалдир. Мўмин-мусулмон банда Аллоҳ таолога дуо қилганида, ўша гўзал исмлар ила дуо қилмоғи лозим.

Аллоҳ таоло яна:

﴿الْحَكِيمُ الْعَزِيزُ وَهُوَ الْأَرْضِ السَّمَوَاتِ فِي مَالِهِ، يُسَبِّحُ الْحُسَيْنِ الْأَسْمَاءَ لَهُ الْمُصَوِّرُ الْبَارِئُ الْخَلِيقُ اللَّهُ هُوَ﴾

«У Аллоҳдир, Холиқдир, Бориъдир, Мусоввирдир. Энг гўзал исмлар Униқидир. Осмонлару ердаги барча нарсалар Уни поклаб ёд этадилар. Ва Унинг Ўзи иззатлидир, ҳикматлидир», деган (Ҳашр сураси, 24-оят).

«Ҳашр сурасининг бу сўнгги оятида Аллоҳ таолонинг бир неча гўзал исмлари ҳақида сўз боряпти. Хусусан:

Холиқ – яратувчи.

Бориъ – йўқдан бор қилувчи.

Мусоввир – махлуқотларнинг суратини шакллантирувчи.

Дунёдаги барча чиройли исмлар Аллоҳниқидир.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Маъқал ибн Ясордан ривоят қилган ҳадисда Набийимиз Муҳаммад алайҳиссалом:

«Кимки тонг чоғида уч марта «Аъузу биллаҳис-самиъул алийм минаш-шайтонир рожийм», деса ва Ҳашр сурасининг уч оятини ўқиса, Аллоҳ таоло салавот айтадиган етмиш минг фариштани унга вакил қилиб қўяди. Агар ўша куни вафот этса, шаҳид кетади. Кимки кеч кирганда ўқиса, худди ўша мартабага эришади», деб марҳамат қилганлар.

Ушбу ҳадиси шарифда зикр этилган Ҳашр сурасининг уч ояти юқоридаги ояти карима ва сурада ундан олдин келган икки оятдир. Келинг, ана шу икки оятнинг маънолари ва уларнинг тафсирини ҳам ўрганайлик:

﴿الرَّحِيمُ الرَّحْمَنُ هُوَ وَالشَّهَادَةُ الْغَيْبِ عَلَيْهِمْ هُوَ الْإِلَهَ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ﴾

«У Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган Аллоҳдир. У ғайбни ҳам, шаҳодатни ҳам билувчидир. У меҳрибондир, раҳмлидир».

Ушбу оятдан маълум бўладиги, эътиқод ва ибодат фақат ягона Аллоҳнинг Ўзига бўлмоғи керак. Барча қалблар фақат Унгагина талпиниши лозим.

Аллоҳ таоло шундай Зотки, сиз билан биз билган ва билмаган барча нарсаларни билади. Осмонлару ерда Аллоҳ таоло билмаган нарса йўқ, демак, Унгагина ишониш ва ибодат қилиш керак.

﴿يَسْتَرْكُونَ﴾ عَمَّا لَآ إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ الَّذِي هُوَ اللَّهُ هُوَ

«У Ундан ўзга илоҳ йўқ бўлган Аллоҳдир, Маликдир, Қуддусдир, Саломдир, Муъминдир, Муҳайминдир, Азиздир, Жаббордир, Мутакаббирдир. Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан покдир».

Аввалги оят каби бу ояти карима ҳам Аллоҳ ваҳдониятининг исботи ила бошланган ва унинг бир нечта исмларини эслатмоқда, жумладан:

Малик – ҳақиқий эгадир, Ундан ўзга эга йўқ. Шунинг учун бандалар фақат Унга қул бўладилар. Ҳеч вақтда бир қулга икки хожа бўлмайди. Шунинг учун инсонлар ўзларига ўхшаган инсонларга эмас, балки ягона Яратганга, ҳақиқий Эгага қул бўлишлари лозим.

Қуддус – барча айблардан холи, нолойиқ сифатлардан пок. Мутлақ муқаддаслик ва мутлақ поклик Аллоҳ таолонинг Ўзигагина хосдир.

Салом – нуқсонлардан саломат, шунингдек, тинчлик-хотиржамлик ва роҳат берувчи Зот. Аллоҳ таоло «Салом» сифати ила бандаларга тинчлик, омонлик, хотиржамлик ато қилади.

Муъмин – иймон ва омонликни берувчи.

Муҳаймин – ҳамма нарсани қамраб олувчи, яъни Аллоҳ таоло бандаларнинг барча ҳолатларига гувоҳ бўлиб туради, Ундан ҳеч нарса махфий қолмайди.

Азиз – барчанинг устидан ғолиб.

Жаббор – олий қадар, улуғ. Унинг олдида ўзгалар ўзини хор тутлади.

Мутакаббир – кибриёси ва улуғлиги муболағали Зот.

Ушбу баркамоллик сифатларига эга бўлган айбсиз Зот мушрикларнинг Унга ширк келтиришидан ҳам покдир.

“Ақоид илми ва унга боғлиқ масалалар” китобидан